

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 138448

Бухоро шаҳар

“ 26 ” Август 2022 йил

“Бухоро йуллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Махсулот олувчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи директори **М.Бердиев** бир томондан ва “MA'MURJON MADINA PLYUS” МСҲ (кейинги ўринларда “Махсулот етказиб берувчи” деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи директори **М.Гиёсов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Махсулот етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган “Труба гофрированная” Махсулот олувчига мулк қилиб топшириш, Махсулот олувчи эса махсулотни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Хизматларнинг аниқ турлари, сифати, миқдори баҳоси жадвалда келтирилади.

№	Хизмат номи	Ўлч. бирл.	Миқдори	Нарх бирлиги	Суммаси
1	Труба гофрированная	ПМ	200	71 000.00	14 200 000.00
Жами					14 200 000

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси жами **14 200 000** (ун тўрт миллион икки юз **минг**) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган махсулот учун олдиндан тўлов миқдори белгиланган сумманинг камида 15% фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов шартнома имзолангандан сўнг 10 кун муддатда амалга оширилади. Якуний тўлов эса ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 3 кун муддатда амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Махсулот етказиб берувчининг мажбуриятлари

3.1.1. Махсулотни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда ва яроқлилиги туғрисидаги гувоҳнома (сертификат)дан нусха “Махсулот олувчи”га ўз вақтида топширади.

3.1.2. Махсулотларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Махсулот етказиб берувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган махсулот мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз махсулотни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган махсулотнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Махсулот етказиб берувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ махсулотга бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Махсулот олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда махсулотни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган махсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу махсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида Махсулот етказиб берувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда махсулот ҳақини тўлаш.

3.2.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди ва ташиб олади.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда ва томонлар уни имзолаганларида ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Махсулотни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Махсулотни тўлиқ топширмаганлик учун Махсулот етказиб берувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган махсулот қийматининг 0,1 % миқдорда аммо шартнома қийматининг 10 % фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган махсулотни топширганлик учун айбдор тараф махсулот қийматининг 0,1% миқдорда жарима тўлайди.

5.4. Шартноманинг 3,2.1-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган махсулотни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Махсулот етказиб берувчи махсулот қийматининг 0,1% миқдорда жарима тўлайди.

5.5. Махсулот ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Махсулот оловчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,1 % миқдорда аммо шартнома қийматининг 10 % фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Пеняни тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил “31” декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида.

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Шартнома икки томондан имзолангандан сўнг кучга кириди ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Бухоро туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар имзолаши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»


«МАХСУЛОТ ОЛУВЧИ»

« "MAMURJON MADINA PLYUS" »МЧЖ

“Бухоро ЙМФУК”

Манзил: Бухоро в. Бухоро ш.
Тел./факс:
х/в 2020 8000 2048 3355 7001
Банк номи: Хамкорбанк АТБ Бухоро ф.
МФО: 00966
ОКОНХ:
СТИР: 301512263

Манзил: Бухоро шаҳар Ок масжид кўчаси 8-уй
Тел./факс: 8 (865) 228-60-13
х/в 22 626 000 604 579 890 009
Банк номи: “Миллий банк” Бухоро филиали
МФО: 00084
ОКОНХ: 61129
СТИР: 206 840 820

Директор:  М.Гиёсов

Директор:  М.Х. Бердиев

